

НАМАНГАН ХАКИКАТИ

Вилоят ҳокимлигининг ижтимоий-иқтисодий,
маънавий-маърифий газетаси

№4
(19832)

2022 йил
15 январь
Шанба

1918 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташқи этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар!

Қуроли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийлари!

Қадри ватандошлар!

Аввало, ўз ҳаётини она юртимизни ҳимоя қилишдек улут ва олижаноб ишга бағишлаган сиз, азиларни, сизларнинг тимсолинисизда кўпмиллатли бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташқи этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана шу кутлуг айёмда жонажон Ватанимизга садақат, азму шижоат каби эл-юртимизга хос юксак фазилятларнинг қадр-қиммати ва аҳамиятини, улар ҳаётимизда тобора мустақам ўрин эгаллаб бораётганини янада теран англаймиз ва ўзининг жанговар фаолияти билан буни амалда исботлаб келаётган сиздек гоят олижаноб касб эгаларини шарафлаймиз.

Шу билан бирга, жанговар бурчини адо этишда мардларча халок бўлган фидойи ҳарбий хизматчиларимизнинг нури ва сўнмас хотирасига чуқур ҳурмат бажо келтирамиз.

Азиз дўстлар!

Истиклол даврида Ўзбекистон армияси жуда мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтди. Ёш давлатимизнинг ўта оғир шаклланиш йилларида айнан Қуроли Кучларимиз мамлакатимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ҳаёти ва фаровонлигини таъминлаш, демократик ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг ишончли қаролати бўлиб хизмат қилганини барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Кейинги йилларда амалга оширган тув ислохотларимиз туфайли тарихан қисқа даврда Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва худудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, тезкор ва ихчам миллий армияни ташқи этилга эришмоқдамиз.

Ана шундай буюк тарихий жараёнда халқимизнинг ҳарбий соҳадати бой меросига таъйиб, Жалолидин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк саркарда боболаримизнинг жанговар анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган, жисмоний ва маънавий етуқ, замонавий билим, қурол-яроғ ва техникаларни пухта эгаллаган, давлат ва халқ манфаатлари учун ҳар

қандай синов ва машаққатларни енгиб ўтишга тайёр бўлган ҳарбийларимиз доимо фаол иштирок этиб келаётганлари ҳар қандай юксак эътирофга муносибдир.

Шу маънода, муқаддас қасамёдида ҳамиша содиқ, эл-юрт ҳимояси йўлида метин қалқон бўлган мард ва жасур ҳарбийларимиз Ўзбекистоннинг чинакам ватанпарвар баҳодирлари, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Халқимиз ўзининг сизлар каби ботир ва доворак фарзандлари – Ватанимизнинг ҳақиқий посбонлари билан ҳақи равишда фахрланади.

Муҳтарам юртдошлар!

Кейинги йилларда «Халқ ва армия – бир тану бир жондир» деган эзу тамойил асосида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда фуқароларимиз армиянинг ҳар томонлама ёрдами ва кўмагини ҳаётнинг барча соҳаларида амалда ҳис этмоқдалар. Айниқса, мураккаб синов даври бўлган пандемия пайтида ва фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этишда, биз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, қислаб бўлмайдиган бебаҳо бойлик – тинчлик ва осийишталикни асраш ва ҳимоя қилишда бу яқдиллик янада яққол намоён бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда бутун ҷамиятимизда, жумладан, Қуроли Кучларимиз тизимида амалга оширилаётган тув ислохотларда «Инсон қадри учун» деган муҳим тамойил марказий ўринга қўйилаётгани сизларга яхши маълум. Шу асосда миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган барча ҳарбийлар, муҳтарам фахрийларимизнинг Ватан ва халқ олдидаги хизматларини муносиб қадрлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, кундалик ҳаётидаги муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш, уларнинг оиласи ва фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишларимиз йилдан-йилга янги босқичга кўтарилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олаётган бундай жадал ўзгаришлар юртимизда ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори, армия ва халқ бирлиги янгича мазмунга эга бўлиб, ёшларимиз қалбида армиямиз билан фахрланиш туйғуси, Ватан ҳимоячисидек олижаноб касбга ҳурмат-эътиром ҳиссини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Муҳтарам ватандошлар! Бугунги глобаллашув ва кескин

рақобат даври, дунёнинг турли бурчқаларида, жумладан, минтақамизда юз бераётган қуроли можаро ва қарама-қаршилиқлар, янги таҳдид ва хатарлар олдимизга кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларни қўймоқда. Ана шундай гоят масъулиятли вазиятда мамлакатимизда тинчлик ва осийишталикни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини қаролатлаш ва ҳимоя қилишда Қуроли Кучларимиз, ҳавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Бу ҳақиқатни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада мустақамлаш ва Қуроли Кучларимиз қудратини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда Қуроли Кучларимиз кўмондонлик таркиби жойлардаги ҳокимият идоралари ва халқимиз билан биргаликда бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишлари керак.

Ҳарбий хизматчилар, айниқса, қомандирлар таркибининг профессионал тайёргарлигини ошириш миллий армияни янада ривожлантиришнинг энг муҳим шарти бўлиб қолмоқда. Бу борада Қуроли Кучлар Бош штаби ҳамда ҳарбий округлар бошқарув аппаратлари офицерларини, бригада қомандирлари ва уларнинг ўринбосарларини ўқитиш бўйича Қуроли Кучлар академиясида жорий этилган янги тизимнинг юксак самарадорлигини таъминлаш – долзарб вазифадир.

Шу муносабат билан ҳарбий таълим ва илм-фан тизимида бошланган ислохотларни изчил амалга ошириш, соҳа учун кадрлар тайёрлашда назария ва амалиётни имкон қадар яқинлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш бўйича комплекс дастурларни тайёрлашда бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида кузатилаётган ҳарбий можаролар хусусиятларини, қўшинларни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада энг зарур қурол-аслаҳа ва анжомларни сотиб олиш, уларни янги жанговар тизимлар билан биргаликда қўллаш ва тақомиллаштириб бориш эътиборимиз марказида бўлиши зарур.

Жаҳон ахборот маконида кескин қураш кетаётган ҳозирги вазиятда муҳим объектларда ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳам давр талабидир.

Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳи, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, аҳоли, биринчи навбатда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, Қуроли Кучларимиз фахрийларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишни кучайтириш борасидаги ишларимизни бундан бўён ҳам изчил давом эттирамиз.

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар,

Қуроли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийлари!

Ушбу кутлуг айёмда фидокорона хизматларинингизни алоҳида таъқидлаб, сизларнинг фаол саъй-ҳаракатларингиз билан Ўзбекистон армияси изчил ривожланиб бораётганини, унинг жанговар қобилияти ортиб, мудофаа қудратимиз мустақамланаётгани, халқимизнинг осийишта ҳаёти таъминланаётганини яна бир бор юксак гурур билан эътироф этамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шундай самарали хизматларингиз учун сизларга, муътабар тупронимизни кўз қорачинидек асраб-авайлаш йўлида олижаноб ва масъулиятли бурчини муносиб адо этиб келаётган барча жасур ўғлонларимизга, уларнинг ота-оналари ва оила аъзоларига чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Барчангизни Ўзбекистон Қуроли Кучлари ташқи этилганининг шонли 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан яна бир бор самимий табриқлайман.

Сизларга мустақам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Миллий армиямиз сафларидаги шарафли хизматингизда янги ютуқ ва зафарлар ёр бўлсин!

Куч-қувватингиз, шаъну шарафингиз янада зиёда бўлсин!

Жонажон Ўзбекистонимизга садақат билан хизмат қилишдан ҳеч қачон қарчаманг, мард ва жасур Ватан посбонлари!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуроли Кучлар
Олий Бош Қўмондонли.



Ўқтам қадамлар зарби

Ўз муҳбиримиз.

14 январь – Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташқи этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни вилоятимизда ҳам кенг нишонланди.

Ватан ҳимояси ва рағнаки йўлида жасоратли фаолияти билан обрў қозонган нурунийлар, ёшлар, кенг ҷамоатчилик вакиллари Наманган шаҳридаги «Мотамсаро она» ҳайкали қўр тўқиб турган Хотира ва қадр хибёнида ҷам бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳиясининг гурурбахш садоси янгради. Миллий гвардия, давлат ҳавфсизлиги, чегара қўшинлари, божхона, ички ишлар бошқармалари ҳамда махсус хизмат офицер, сержант ва аскарлари ҳарбий оркестр садолари остида жанговар саф тортиб ўтишди. Ҳарбий ва махсус техникалар паради мамлакатимиз Қуроли Кучлари Олий Бош қўмондонли раҳбарлигида тизимда олиб борилаётган ислохотлар самараси ва енғилмас қудратини намоийиш этди.

Шундан сўнг, вилоят ҳокими, ҳоким ўринбосарлари, ҳарбий ҷамоалар, кенг ҷамоатчилик вакиллари она Ватан ҳимояси, халқ тинчлиги ва осийишталиги йўлида қурбон бўлган юртдошларимиз хотирасига бунёд этилган «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гуллар қўйишди.



Шарафли бурч

Оқилхон ДАДАБОВЕВ.

«Наманган Ёшлар маркази»да давом этган тантанали маросимда сўзга чиққан вилоят ҳокими, вилоят ҳарбий-маъмурий сектори раҳбари Шавкат Абдураззоқов йиғилганларга Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташқи этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йўлдан байрам табригини ўқиб эшиттирди.

Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонли ўринбосари, полковник Максуд Даминов Президентимиз бошчилигида миллий армиямизни тўдан тақомиллаштириш йўлида амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар энг аввало, Ватанимиз мустақиллиги, ҳавфсизлиги ва худудий яхлитлигини таъминлаш, осийишталикни мустақамлашда муҳим аҳамият касб этаётганлигини таъқидлади. Тақдирда ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳодимларидан бир гуруҳига вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалари тақдим қилинди. Таниқли санъат усталари ижросидаги тантанали концерт дастури байрам тадбирига янада шуқуқ бағишлади.

Армиямиз – фахримиз

Ҳар қандай давлатнинг мустақиллигини биринчи навбатда армияси ҳимоя қилиши керак. Шу боис Мустақилликнинг дастлабки кунларида – 1991 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Мудофаа ишлари вазирлиги ташқи этилди.

1992 йил 14 январь куни эса мамлакат худудидати барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларини Ўзбекистон юрисдикциясига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги, ҳамда Ўзбекистон Қуроли Кучлари таъсис этилишининг асосий мақсади – мудофаадир, дея эълон қилинган.

Мукофотлар муборак!

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 13 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташқи этилганининг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳодимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонида кўра, мамлакатимиз мудофаа қудратини мустақамлаш, Қуроли Кучларимиз жанговар салоҳиятини юксалтириш, Ватанимиз мустақиллиги, давлат ҳавфсизлиги ва чегараларимиз дахсизлигини кўз қорачинидек асраш, профессионал миллий армияни шакллантириш, халқимиз осийишталигини сақлаш борасидаги ибратли фаолияти, шарафли ва муқаддас бурчини бажаришда мардлик ва жасорат кўрсатгани, юқори маҳоратга эга кадрларни тайёрлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун бир гуруҳ ҳамюртларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари – орден ва медалларга муносиб қўрилди.

Мукофотланганлар орасида вилоятимиздан қуйидаги Ватан ҳимоячилари бор:

«Жасорат» медали билан:

Обидов Ботир Қодиржонович - Чортоқ туман ички ишлар бўлими профилактика қатта инспектори.

«Содиқ хизматлари учун» медали билан:

Бозормирзаев Муҳаммаджон Бекмирзаевич – Наманган ҳарбий прокурорининг ўринбосари.

Қамолитдинов Шохруҳ Бурҳониддин ўғли – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд қомандири.

«Шухрат» медали билан:

Абдуллаев Шухратжон Раҳимович – вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи.

Жўраев Турсунали Зариббоевич – Чуст туман Фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи.

Давлат мукофотида сазовор бўлган ҳамюртларимизни юксак эътироф билан чин дилдан табриқлаймиз!

«Ватанпарвар» ташқи этилган вилоят кенгаши раиси Аҳмаджон АБДУХЎЖАЕВ муҳбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Айни пайтда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, малакали касб ўргатиш мақсадида тасарруфимизда вилоят техник ва амалий спорт турлари маркази, шаҳар ва туман кенгашлари қошида 13 та ўқув спорт-техника клуби фаолият кўрсатмоқда. Тизимдаги муассасаларда 26 та бошланғич ташқи этилган ҳам мавжуд бўлиб, уларда 20 мингта яқин аъзо ҷамланган. «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили» давомида ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи ва оммавий-ташқилий ишлар йўналиши юзасидан 741 та тадбир ўтказилиб, уларда 100 мингдан зиёд аҳоли, жумладан, 83 мингдан ортиқ вояга етмаган ёш иштирок этди.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2021 йил 22 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари

Ҳарбий хизматга «Ватанпарвар» сабоғи билан

ташқи этилганлигининг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик қўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишига кўра, ҳарбий-ватанпарварлик ойлити давомида бир қатор амалий тадбирлар ҳамда турли спорт мусобақалари ташқи этилди.

Мақтаб ва техникум ўқувчилари, олийгоҳлар талабалари, мустақиллигимизни мустақамлаш йўлида жонини фидо қилган ички ишлар ҳодимлари ва ҳарбийлар фарзандлари иштирокидаги «Ватан муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!», «Ўч авлод» учрашувлари, «Ватан фидойи фарзандларини унутмайди» шиори остида «Ватанпарварлик

автоюриши», «Биз – ватанпарварларимиз!» каби маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари шулар жумласидан.

Бундан ташқари, ташқи этилган тасарруфидати Норин тумани ўқув спорт-техника клубида 30-сонли умумтаълим мактаби ўқувчилари учун очик эшиқлар куни ўтказилди. Ёшларга «Ватанпарвар» ташқи этилган фаолияти, мақсад-вазифалари, олиб борилаётган ишлари ва келгусидаги режалари хусусида маълумотлар берилди. Тадбир иштирокчиларига пневматик «Ўқ отиш» мажмуасидаги мавжуд ўқув хоналари, ўқ отиш, автоспорт, бағти, қаргинг, мотоспорт, ёзги биатлон каби спорт секциялари билан яқиндан таништирилди. Ўқувчиларни

2

Хабарингиз бор, ҳозирда республика идоралараро ишчи гуруҳи аъзолари вилоятимизда ўрганишлар олиб бормоқда. Асосий эътибор эса ижтимоий соҳа объектлари, маҳаллалар инфратузилмаси, коммунал хизматлар сифати ва аҳоли муаммоларига ечим топиш каби масалаларга қаратилаяпти.

Ўрганишлар нималарни кўрсатаяпти?

Қаҳрамон САТТОРОВ,
вилоят ФВБ ОАВ ва ЖТБХҚГ бошлиғи, капитан.

Ишчи гуруҳи аъзолари дастлаб, Наманган шаҳридаги 1-умумтаълим мактабида бўлишиб, ҳудуднинг санитария ҳолати, синфхоналардаги стол-стулларнинг сифати, истиштиш тизимининг созланиши ўрганишди. Мазкур таълим маскани қурилиб, фойдаланишга топширилганига анча бўлди. Бу орада неча бор таъмирланди ҳам. Бироқ бугунга келиб, айрим синфхоналари, ўқув жиҳозлари маънан эскирган. Шу боис, мактабни қайта таъмирлаш, янги стол-стуллар билан таъминлаш муҳим.

Шунингдек, ишчи гуруҳ Давлатобод туманидаги 37-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида, 265 ўринли туман марказий шифохонасида, Наманган шаҳридаги 160 ўринли вилоят эндохронология диспансерида ҳам бўлишиб, ҳудуднинг санитария ҳолатини, яратилган шарт-шароитларни, истиштиш тизими ва заҳира дори-дармонлар омборини кўздан кечиришди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Озик-овкат хавфсизлиги, бозорлардаги нарх-наво ва заҳира омборларида ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Давлатобод туманидаги гўшт маҳсулотларини музлатиш, мева-сабзавотларни сақлаш омбори кўздан кечирилди. Ҳозирда мазкур объектада 125 тонна сабзи, икки тонна гўшт ва бир тонна сариғ ёғ маҳсулоти захираси яратилган. Шунингдек, терминал божхона омборида ҳам 300 тонна картошка, 320 тонна сабзи ва бошқа маҳсулотлар сақланаяпти. Наманган шаҳридаги гурунч омборида эса 500-600 тонна гурунч жамғарилган. Ушбу омборлардаги маҳсулотларни бозор расталарига арзон нархларда етказиб бериш, аҳолини озик-овкат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда муҳим ўрин тутadi.

Вилоят марказидаги «Чорсу дехкон бозори»даги ўрганишларда кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг тури, сифати ҳамда бозордаги заҳира омбори кўздан кечирилди. Ҳудуднинг санитария ҳолати, сотувчи ва харидорлар учун яратилган қўлайликларга эътибор қаратилди. Ҳозирда мазкур объектнинг заҳира омборида 180 тонна картошка, 120 тоннадан пийвэ ва сабзи, 40 тонна гурунч маҳсулоти аҳоли эҳтиёжи учун сақлаб келинмоқда.

Автомобилларга газ қуйиш шохобчаларидаги ўрганишларда ёнгин хавфсизлиги талаблари, автоуловлар газ баллонларининг техника хавфсизлиги бўйича ҳолати кўздан кечирилиб, шохобча маъмурияти ва ҳайдовчилар билан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Наманган шаҳридаги Зарбдор маҳалласида тўрт мингдан зиёд аҳоли истикомат қилади. Аҳоли вакиллари, фаоллар билан мулоқотларда «Инсон қадрини улутлаш ва фаол маҳалла йили»да олиб бориладиган ишлар ҳақида сўз борди. Шунингдек, қиш мавсумини бетафоат ўтказиш, ёнгин ва ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш бўйича тушунтиришлар берилди.

Бу каби ўрганишлар мазкур шаҳарнинг Олтитош маҳалласида ҳам олиб борилди. Аҳоли вакиллари билан бўлган суҳбатларда коммунал хизматлар ва уларнинг сифати, маҳалла аҳли учун яратилган шароитлар ҳақида сўз юритилди. Беш мингдан зиёд аҳоли истикомат қилаётган маҳаллада тадбиркорлик кент ривожланган, томорқадан самарали фойдаланаётганлар ҳам бисёр. Олтитошликлар ишчи гуруҳи аъзолари билан бўлган мулоқотларда бутунги турмушларидан розилиklarини айтиб, эртдангунгиллари тўқилигини билдирдилар. Масалан, Қосимжон Раҳмонов турмуш ўртоғи Майрамхон билан тикувчилик дехини юритмоқда. 10 га яқин иш ўрни ҳам яратган. Авваллари «Аёллар дафтари»да турган Майрамхон ҳозирда тикилган кийим-кечак маҳсулотларини нафақат Наманган балки, бошқа вилоятларга ҳам етказиб бермоқда.

Республика идоралараро ишчи гуруҳининг вилоятимиздаги ўрганишлари давом этмоқда.

Қўли гул шоир

Носир АББОС,
«Наманган ҳақиқати» адабиёт ва санъат бўлими мудир,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раиси.

Наманган Давлат университетги талабаси, шоир
Обидхон МАМАДАЛИЕВ
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

«Қўли гул» ибораси таомил бўйича ҳунармандларга нисбатан қўлланилади. Обидхон Мамадалиевга нисбатан ушбу иборани иккиланмасдан қўллашимизга эса ўзига хос асос бор. Обидхон жўшқин шеърлар ёзиб, мамлакатимиз ёш оққордорлари орасида алоҳида эътибор ва эътирофга сазовор бўлиши билан бирга чин маънода қўли гул тикувчи ҳамдир.

У Наманган шаҳридаги 26-умумтаълим мактабини таъомлагач, «Уста-шопирлик» анъаналарига мувофиқ, чеварларга шопирд тушди. Тикувчиликни пухта ўрганиб, хусусий корхоналарда фаолият юритди ва шу тарика оилада рўзгор таъминотини йўлга қўйишда ота-онасига қанот бўлди.

Олий ўқув юртига ҳужжат топшириш, тезроқ талаба бўлиш учун ортикча чиранмади. Устозлар сабонига, китобларга таянди. Миллий мумтоз адабиётимиз ҳамда жаҳон адабиёти дурдоналарини астойдил ўқиб-ўртандики, албатта, бунда раҳматли Хабиб Саъдулла, Абдулла Жабборларнинг ҳам азиз сиймолари нурланган. Айниқса, шоира Дилором Эргашева Обидхонга астойдил эътибор ва меҳр қўрсатгани олқинили. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими қопидаги ёш қаламкашлар тўтариги эъзоси сифатида устоз Ижодкорлар Дадахон Нурий, Икбол Мирзо, Зиёвуддин Мансур ва бошқалар билан яқин алоқада бўлиб, интеллектуаллик қобилиятини ишга солди. Тинимсиз ўқиш ва ёзиш, Фарона, Андижон ва пойтахт Тошкентда ўтказилган анжуман ва мушоираларда фаол иштирок этиш асносида қалам чархлади.

Ҳарбий хизматга «Ватанпарвар» сабоғи билан

Қизиқтирган саволларга мураббийлар томонидан жавоб қайтарилди.

Худди шундай тadbир Наманган шаҳар ўқув спорт-техника клубига қарашли «Ўқ отиш мажмуаси»да ҳам ташкил этилди. Чортоқ ва Чўст туманларидаги ўқув спорт-техника клубида имтиёзли асосда ўқиётган, «Ёшлар дафтари»га киритилган ўқувчилар иштирокида ўтказилган давра суҳбатига Ватанга хизмат ҳар бир йилитининг, ўсиб келаётган ўғлонларнинг бурчи экани алоҳида таъкидланди. Эртанимиз эгаларига чакирқиқча тайёрлаш борасида ЎСТҚда яратилган шароитлар билан танишди.

Уйчи ва Тўрақўрғон туманларидаги ўқув спорт-техника клуби томонидан ташкилотдаги ўқ отиш мажмуасида туман халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «пневматик милятиқдан ўқ отиш» бўйича туман биринчилиги мусобақаси ўтказилиб, унда 200дан

зиёд ҳаваскорлар мерганлик ботида куч синашди.

Чортоқ, Косонсой ва Норин туманларида ташкилотимиз кенгаши томонидан Қуроли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган «Ўзбекистон ёшлар форуми» доирасида «Беш муҳим ташаббус маҳаллаларда» шиори остидаги ёшлар фестивалида пневматик қурол, қартиг ва мотоцикл спорт-техникалари кўргазмаси ҳавола қилинди. Шунингдек, туман ЎСТҚда имтиёзли асосда ўқиётган, «Ёшлар дафтари»даги 15 нафар ўқувчига ҳайдовчилик гувоҳномасининг сертифицикларни топширилди.

Ўчқўрғон туманидаги ўқув спорт-техника клубида барпо этилган Республикада ягона йирик қартиг мажмуасида бўлиб ўтган «Ойиқ эшиклар кўни» тadbиринида хайрли ишга қўл урилди. Тумандаги Қайки қишлоғида жойлашган, вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли 46-сонли маҳсус мактаб интернатининг

23 нафар имконияти чекланган ўқувчиси «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳайдовчилик курсларига қабул қилинди.

Шунингдек, айни шундай тadbир Янгиқўрғон тумани ўқув спорт-техника клуби томонидан ҳам ташкилланиб, ёшларга «Ватанпарвар» ташкилотининг спорт тўтараклари мақсад-вазифалари, қўлга киритилган ютуқлар, махсус дафтарларга киритилган ёшларни имтиёз асосида касб-ҳунарга ўқитиш ва ҳайдовчиликка номзодлар бўйича маълумотлар етказилди.

Давлатимиз раҳбарининг фармойиши асосида тасдиқланган дас-турга қўра, Қуроли Кучларимиз ташкил этилганнинг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши ва унинг тасарруфидати ташкилотларда «Ватанимга таянчман» мавзусида ватанпарварлик соатлари ўтказилиши белгиланган.

Хусусан, Наманган шаҳрида ёзги Олимпия уйинлари дастурига киритилган пневматик қуролдан тўрт босқичдан иборат ўқ отиш бўйича вилоят ҳокими кубоғи учун вилоят биринчилигига старт берилди. Мазкур беллашуларнинг барча жараёналарида икки юзга яқин спортчи-ёшларни қамраб олиш режалаштирилган.

Оқилхон ДАДАБОВЕВ
ёзиб олди.

НамМТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

«Тараққиёт стратегияси»
лойиҳаси – муҳокамада

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 декабрдаги «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони лойиҳаси институт кенгашида ҳам фаол муҳокама қилинди.

Муҳокама йиғилишида институт ректори, проректорлар, факультет деканлари, кафедра мудири ҳамда етакчи профессор-ўқитувчилар иштирок этиб, лойиҳага киритилган режалар, амалга оширилажак ишлар билан яқиндан танишдилар.

Шунингдек, йиғилиш давомида институтнинг етакчи профессор-ўқитувчиларининг таклифлари ҳам умумлаштирилди.

НамМТИ ахборот хизмати.

Профессор-ўқитувчилар малака оширишмоқда

Наманган муҳандислик-технология институтининг барча факультетларида профессор-ўқитувчилар учун малака ошириш курслари бошланди.

Мазкур курслар давомида жумладан, кредит-модул тизимининг аҳамияти, академик ва молиявий мустақилликнинг шартлари ҳамда таълим сифатини янги босқичга кўтариш масалалари муҳокама қилинмоқда.

Ўқув курслар 24 январга қадар белгиланган режа асосида бўлиб ўтади.

НамМТИ ахборот хизмати.

Аёллар – давлат ҳимоясида

Г. РАҲМАТУЛЛАЕВА,
вилоят ИИБ ХПБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектор.

Аёлни эъзозлаш,
унга эҳтиром
кўрсатиш халқимизга
хос олижаноб
хусусиятлардан
биридир.

Шу маънода Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва макенини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, жамиятда сиёсий, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва тараққиёти аёлларга, ёшларга, оилага бўлган муносабат ва эътибор билан боғлиқ.

Асосий мақсад юртимиз аёлларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, опа-сингилларимизни оширишга, уларга матнавий-руҳий мадад беришга, қолаверса, уларни турли таҳдид ва зуравонликлардан ҳимоя қилишга қаратилмоқда.

2019 йилнинг 2 сентябрь кўни Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларни таълим ва зуравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари

тўғрисида»ги Қонулар қабул қилинди ва улар асосида бир қатор қарор ва фармойишлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Зуравонлик ҳолатлари бўйича аниқланган ёки келиб тушган барча хабарлар ўрганиб чиқилиб, бундай салбий ҳолатнинг олдини олиш мақсадида «Ҳимоя ордер»лари бериш амалиёти жорий этилган.

Ҳимоя ордери берилишининг асосий мақсади қаерда бўлишидан қатъий назар, зуравонлик ҳолатларига барҳам бериш ва такрорий зуравонлик ёки таъийқ ҳолатларининг олдини олишдир.

«Ҳимоя ордери» – таъийқ ва зуравонликдан жабрланган хотин-қизларга давлат ҳимоясини тақдим этувчи ҳужжат саналади. Ҳимоя ордерини расмийлаштириш ваколати профилактика инспекторига берилган. Аниқланган ёки келиб тушган барча зуравонлик ҳолатлари юзасидан маълумотлар ҳудудий профилактика инспектори томонидан ўрганиб чиқилиб, 24 соат ичида ҳимоя ордери бериш чорала-

ри кўрилади ва у 30 кун мuddатга берилиб, шу мuddат мобайнида хавф бартараф этилмаса, уни муружаатга асосан яна 30 кун мuddатга узайтириш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиясининг 2020 йил 21 декабрь кўни ўтказилган йиғилишининг 5-сонли баённомаси билан тасдиқланган иш режасининг 20-бандига ҳамда Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 27 февралдаги «Хотин-қизлар ва эркакларга нисбатан таъийқ ва зуравонлик ҳолатларининг олдини олиш ҳамда улар билан ўзаро муносабатлар маданиятини юксалтириш борасида профилактик тадбирларни ўтказишга қаратилган» чора-тадбирлар режасининг 11-бандига асосан, БМТ Бош ассамблеяси томонидан ёллан қилинган 25 ноябрь «Хотин-қизларга нисбатан зуравонликка барҳам бериш халқаро кўни» муносабати билан Наманган вилоятида ҳам «Зуравонликка қарши 16 кун» шиори остида акциялар ўтказилмоқда.

ОЛИМ БЎЛСАНГ – ОЛАМ СЕНИКИ

«Иқтисодчи ҳалол ва пок бўлса...»

Рислиқхон МАЖНУНОВА,
«Наманган ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

Бошлиқнинг қутилмаганда ҳузурга чакиртириши янги иш бошлаган ёш ходимни бироз таажжублантирди. «Мумкинми?» – дея эшикни очиб ичкарига қадам босар экан, тўрдаги креслода ёйилиб ўтирган раҳбар йилитининг саломига алик ҳам олмай тўнг оҳангда иддао қилади:

– Сен иш вақтида китоб ўқирмишсан? Устиндан шикоят тузди!

Пойтахт хавосини ва тахсилини кўрган, ҳали талаба-лик гуруридан қутулолмаган ёш кадрга биринчидан директорнинг киброна муомаласи ёқмаган бўлса, иккинчидан берган саволи малол келди. Сониёда ўзини ўнглаб, чиройли жавоб қайтарди:

– Тўғри, мен китоб ўқийман, лекин «Граф Монте Кристо»ни эмас, соҳамга доир адабиётларни мутлоақ қиламан. Шунда ҳам иш устида эмас, тушликдан орттирган вақтим ҳисобидан, имкон топганимда. Бадийи китобни эса уйимда, кечаси ўқийман...

Шу кичкина «дўэт» баҳона бўлди-ю Тошкент ҳалқ ҳўжалиги институтининг режа-иқтисод факультетини тамомлаган, йўланма билан «Наманганмаш» корхонасига ишга келган Аъзамжон Ахмедов хужжатларини қайтариб олди. Бу – 1981 йилда бўлган гаплар. Аслида корхонага ўнчалик кўнгли чопмаган ёш кадрнинг қалбида илм билан «тиллашиш», талабалар билан ишлаш истаги кўчлироқ эди.

Маълум вақт ўтиб, вилоятдаги учта олий ўқув юртлиари билан иш хусусида кўнгириқлашди. Улардан: «Қайси фанлардан дарс беришингиз мумкин?» – деган саволни эшитиб, гоятда руҳлиниб кетди. Шу аснода Наманган Давлат педагогика институтининг (ҳозирги НамДУ) сиёсий-иқтисод кафедрасига ишга қабул қилинди. Қўп ўтмай ТошДУнинг (ҳозирги ЎЗМУ) фалсафа-иқтисод факультетига малака ошириш учун юборилди.

Шундқи қилиб Аъзамжон Ахмедов учун илм эшиклари бирин-кетин очилда бошлади. Парвоз мўлжаллари тобора баландлади. Москва Давлат педагогика университети аспирантурасига ўқишга кирди. МДПУ профессори Яков Шамирович Котликов таклифи билан, ФарДУ профессори Абдурахим Ортиков

илмий раҳбарлигида ёзган «Иқтисодиётни монополиядан чиқариш ёки рақобат шароитларини шакллантириш» мавзусидаги номзодлик диссертациясини 1997 йилда Ўзбекистон Президентини ҳузурдаги Давлат ва жамият қўрилиши академиясида ҳимоя қилди.

2000 йилдан ризку насибаси Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтига (ҳозирги НамМТИ) бошлаб кетди. Илмий-педагогик жамоа уни қўчоқ очиб қўтиб олди. Ҳаётдаги, фаолиятидаги кейинги кўплаб ютуқлар мазкур даргоҳ билан боғлиқ эканлигидан қувонади.

Доцент Аъзамжон Ахмедовнинг илмий изланишлари бевосита мамлакатимиз иқтисодиётига тааллуқли бўлса-да, дунё иқтисодчи олимлари иштини мунтазам равишда қўзатиб боради. Дунёга машҳур Иозеф Шумпетер, Эдуард Чемберлин, Жоан Робинсон ҳамда Россия иқтисодидаги монополия ва рақобат билан шўтулланадиган академиклар, профессорлар фаолияти билан қизиқади. Урганганлари асосида Ўзбекистон шароитидаги муаммоларга ечим қидиради. Вазиятнинг мураккаблигини, асл сабабини мушоҳада қилавериб пировардида ҳуқуқ илмини ҳам тузуккина ўзлаштирди. Хатто шу соҳада илмий иш қилишга чорловлар бўлди.

Аъзамжон домла 2006 йили TEMPUS дастури бўйича Грецияга борди. Афина университети ва Пирей политехника институти олимлари билан ҳамкорлик қилиш бахти насиб этди. Икки ой давомида мамлакат пойтахтидаги ҳаётни, у ердаги инфратузилма, тарихий обидаларни кўришга муваффақ бўлди. Дунё цивилизациясининг беланчиги бўлиши давлатдаги Архитект, Пифагор, Аристотель, Сукрот, Афлотун, Диоген юрган кўчалардан юрди. Кемага ўтириб Грея оролидаги қадимий монументини, Ликовитос тоғининг чўққисидати черковни томоша қилди. Греция таълим тизими билан яқиндан танишди. Афинска, илм-фан, назария билан амалиёт ўртасидати ҳамкорликка мисол бўладиган Афина шаҳридаги «логотеч» фирмасига саёхат унутилмас бўлди. У ерда олим ва мутахассислар илм билан ишлаб чиқаришининг бир-бирига узвий

боғлиқлигини кўрсатишди. Талабаларнинг диплом ишлари биздаги унча-мунча диссертациялардан қўчлироқ эканига гувоҳ бўлишди.

Олим Аъзамжон Ахмедовнинг, шунингдек, 2008 йилда Санкт Петербург политехника университетида ИМОП – халқаро Таълим дастурлари институти йўналишида, 2018 йилда «Истеъдод» жамғармаси грантига сазовор бўлиб, Урал Давлат иқтисодиёт университетига малака ошириши – устознинг илмий-педагогик фаолиятига ижобий таъсир этди.

2019 йил ҳам унутилмас бўлди. Уни Х-Жаҳон ёшлар форумига инновацион йўналиш бўйича таклиф этишди. Жараёнда УрДУДа «Ўзбекистон ва Россия олий таълими интеграциясидаги янги ёндоқшувлар» мавзусида маъруза қилди.

Жорий йилда бўлиб ўтган XI-Жаҳон ёшлар форумида икки талабаси – Бобурбек Жабборов ҳамда Комила Ҳамидова билан иштирок этди. Улар форумдаги таълим сифати ва буларга ҳалақат қилаётган унсурлар ҳақида ҳар қанча ҳар жойда очиқ айтишдан тортинмайди.

Аъзамжон ака яқинда Белоруссия сафаридан қайтиб келди. Юртимиздаги техника ва иқтисодиёт йўналишларидан танлаб олинган ўн нафар профессор, кафедра мудирилари, фан докторлари ва доцентлари орасида унинг ҳам борлиги шараф ва масъулият эди. Сафардан қўзланган мақсад дунё рейтингининг нуфузли олий таълим муссаалари каторига кирувчи Минск шаҳридаги Белоруссия миллий техника университети билан Наманган муҳандислик-технология институти ўртасида мустақкам ҳамкорликка тамал топи қўйиш эди. Ва бу вазифа тўлақонли адо этилди.

Сафар давомида меҳмонлар мазкур университет технопаркига, илмий лабораторияларига, аjoyиб кутубхонасига ташириб буюришди. Аъзамжон аканинг ўзи талабаларга «Рақобат генезиси», «Туризм ва ландшафт», «Тежамкорлик иқтисодиёти» мавзусларида маърузалар ўқиди.

Лавҳамиз билан танишайтган газетхонда «Бу домла сафарима газеткор яораверса – қачон илмий ишлар қилади, китоблар ёзади, талабаларга маъруза ўқийди?» – деган савол туғилиши табиий. НамМТИ менежмент кафедраси доценти Аъзамжон ака ҳаммасига улғуради, ҳамма ишни аввалдан пухта режалаштириб,



сўнг амалга оширади. Унга лоф эмасу «универсал устоз» дея ном беришган. Бойси педагог олим бир семестрда биратўла 7-8 та фандан – иқтисодиёт назарияси, статистика, маркетинг асослари, менежмент асослари, ташкилий ҳуқ-қатор, солиқ ҳуқуқи, молия ҳуқуқидан дарс бера олади.

Шу йилнинг ўзига «Рақобат генезиси» монографиясини, «Истеъмолчилар ҳуқ-қатори» ўқув қўланмасини нашрдан чиқарди. Айни пайтда Россиянинг дунёга таниқли бўлган иқтисодчиси, академик В.П. Бусыгиннинг «Эффективный менеджмент» китобини муаллиф розилиги билан ўзбек тилига таржима қилмоқда.

Доцент Аъзамжон Ахмедов нафақат илмий-педагогик фаолият билан машғул, балки жамиятнинг энг тараққийпарвар, эркин фикрли фўқароларидан ҳисобланади. У мамлакатнинг иқтисодиёти ривожини, таълим сифати ва буларга ҳалақат қилаётган унсурлар ҳақида ҳар қанча ҳар жойда очиқ айтишдан тортинмайди.

Домлага иқтисодчи олим сифатида Россиянинг Екатеринбург шаҳридаги катта анжуманда сўз беришганда у бу борада шахсий таклиф ва мулоҳазаларини баён этар экан, охирида «Иқтисодчи ҳалол-пок бўлиб иш юритсагина жамиятда барака бўлади», – дея яқунлайди. Айнан мана шу гаплари эртасигаёқ шаҳар газетасининг биринчи бетига босилиб турибди-да. Демак, ўзбек олимининг мантқиқий қарашлари олис мамлакатлар мафқурасига ҳам маъқул тушгани – нақадар улут шараф!

Доцент Аъзамжон Ахмедов дилкаш суҳбатдош, кези келганда бахшашсангиз – маънавий, руҳий озуқа оласиз. Шу боис кўпроқ савол бериб, кўпроқ мушоҳадага чорлагимиз келади.

– «Авесто»да яхши ният, яхши фикр, яхши амал деган асосий нўя мавжуд, – дейди домла. – Шунга уйкаш тарзда бизнинг халқимизда «Яхши ният – ярим давлат» деган нақл бор. Аммо менинг илмий раҳбарим – ёши тўқсон бешдан ошган устозим, профессор Абдурахим Ортиков: «Яхши ният – ярим давлат»лиги тўғри. Лекин сизники бутун бўлсин, сиз ана шу бутунликка интилинг», – деб руҳлантирадилар. Мен илмий-педагогик фаолиятимдагина эмас, борлиқ ҳаётимда ана шу қарашлар билан яшайман.

Суҳбатдошимизни мавзудан

ташқари савол билан чалғитамиз: – Домла, барча олий ўқув юртлиари каторида сизнинг институтингиз ҳам бўйлиқ, ҳам энгита кенгаймоқда. Таълим йўналишлари ортганидек, талабалар сони ҳам ошгандан ошиб бормоқда. Сиз олим-мутахассиссиз. Мамлакатимиздаги иқтисодиёт, ишлаб чиқариш қувватига дипломли кадрлар сони яқин келгусида тенг келмай қолмайдими? Олий маълумотли ишсизлар қўпаймайдими?

– Ҳаёт – қураш, дегани. Унинг яна бир номини рақобат, деган бўларди. Билимли, ғайратли, ташаббускор, фазилатли талаба ҳеч қачон ишсиз қолмайди. Жамиятда ўз ўрнини, нуфузини топиб олади. Худди тахсил жараёнидагидек. Талаба – ўз оти билан илм талаб қилувчи дегани. Фанни ўзлаштириш – талабага керак. У билмаганларини устозидан талаб қилиб, сўраб олиб ўрганиши зарур. «Контракт пулини тўлаб қўйганимдан кейин дипломини беради-да...» дейдиганлар катта хато қилади. Ўзи эмас, пули «ўқиган» ундайлар кейин ҳам бир ишнинг жиловини тутолмай ё кирақашлик қилади ё марди-корлик учун хорихга кетади...

Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор: талабаликда аълочи бўлмаган бўлсада, кейин ҳам бир ишни қойиллатмасида – ўша дипломли одамнинг дунёқарашини, юриш-туришини сал бошқача бўлади. Чунки, у олий таълим ўчоғида, илм муҳитида яшаган, ўқитувчи-профессорлардан маърузалар эшитган...

Олим одамлар билан суҳбатлашсангиз вақт учур отига минади. Қанча фикрлашсангизда, мавзу тобора чуқурлашаверади-ю нийҳоясини тополмайсиз. Эҳтимол, бу ҳам илмнинг туби йўқ, адои йўқлигига кичкина бир далилдир.

Ҳикоямиз қаҳрамонининг бутунги мақомларга эришувиди тунилиб қўз очган, униб-ўстан оиласи, зиёли ота-онаси, илм-севар ука-сингиллари қанчалик аҳамиятли бўлишса, уddaбурро ҳамшира қизи Маданнинг, ўқувчилигидакёқ АКШнинг Мичиган университетидати коллежда, НамМТИда, Вестминстерда ўқиб, эндиликда БААда ишлаётган Акрамжоннинг, замонавий тадбиркор Аҳамжоннинг ютуқларида албатта олим далалари Аъзамжон ака билан унинг математик рафиқаси Маҳфузахон опаларнинг хизматлари, таъсирлари катта.

...Шу пайт Аъзамжон домланинг сал бесаранжом бўлаётганини сездик. Шошилаётганининг сабабини ўзи айта қолди:

– Саксон саккиз ёшга кирган отамдан ҳар кун ишдан кейин хабар олишга одатланганман...

Суҳбатта шу ерда нукта қўйдик. Чунки, бу – рад этиб бўлмайдиган, кечиктиришнинг иложи йўқ «баҳона» эди.

Огоҳ бўлиш бурчимиз

Муштариий САИДНОМАНОВА,
Чортоқ туманидаги
36-мактаб ўқитувчиси.

Жамиятда ахборотга бўлган эҳтиёж тобора қучайиб бормоқдаки, янгиликлар сониялар сари эскиришда давом этапти. Биз глобаллашув, ахборотга тўйинган замонда яшашпиз.

Глобаллашув шароитида интернет орқали ахборот олиш энг қулай усулдир. Компьютер, ноутбук, сенсорли телефон, планшетларнинг ишлаб чиқарилиши ахборот алмашинуви жараёнига жуда тез кириб келди ва оммалашди. Ҳозирда интернет нима эканлигини билмайдиган йилит-қиз топиламаса ҳам керак. Интернет ОАВ тизимида тезкорлиги билан барча ёшларни ўзига жалб этган.

Нафақат юртимизда, балки дунё саҳнида юз бераётган воқеа-ҳодиса, янгиликларни энг биринчилардан бўлиб қўзатиб боришимизда ҳам интернетнинг ўрни бекиёс. Танганинг икки томони бор, деганларидек, интернетда ҳам шундай. Иккинчи томони шунки, ижтимоий тармоқлардаги маъносиз суҳбатлар, танишувлар, беҳаё сўраглар, клиплар ҳамда жангари кинолар ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятига катта зарар етказди. Шунинг учун ҳам ёшларда ахборот хужражлари қарши иммуниетни шакллантиришда тўхтамаслигимиз лозим. Халқаро тармоқдан тўғри фойдаланмаслик, ахборот истеъмоли маданияти тўғри шаклланимаганили сабабли кўплаб одамлар ҳаёти ўзгалар қўлида ўйилмоқ бўлаётгани бутун барчамизни бирдек огоҳликка, хушёрликка чорлаши зарур.

Атрофга хушёр назар ташлаш, ҳар лаҳза, ҳар сония огоҳ яшашни бутунги кун кишиси ёшидан, касбий фаолиятидан қатъий назар ўзига бурч, деб билиши керак. Чунки, огоҳлик бу – Тинчлик тақдирига, Истиклолимиз боқийлигига, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши ва тараққиётининг барқарорлигига дахлдор масаладир!

Авиачипта алмаштириб берилди

Наманган туманида яшовчи фуқаро М. Халидова бизга мурожаат қилиб, Наманган шаҳар, Машраб кўчаси, 32-уйда жойлашган авиакассадан фарзанди номига Россия давлатига авиачипта сотиб олгани, аммо аэропортга борганида мамлакатдан чиқиб учун ўқишга рухсат беришмагани, авиакасаса билетни қайтариб олиб борса чипта пулини ололмаганини айтиб масалани ижобий ҳал этишда амалий ёрдам беришини сўради.

Ушбу мурожаат юзасидан аппаратимиз мутахассислари томонидан ўрганиш ўтказилди ва 2021 йил 15 декабрь кўни алоқа хати чиқарилди. Авиакасса раҳбари шу кўнга қадар хорихда бўлганлиги учун жавоб хати олишнинг имкони бўлмади ва мурожаатнинг ижро муддати 15 январга қадар узайтирилди.

2022 йил 6 январь кўни ходимларимиз хатти-ҳаракати билан ўрганиш яқунланди ва истеъмолчининг авиачиптаси 5 февраль кўни «Домодедова» аэропортига қўнадиган рейсга алмаштириб берилди.

Б. АБДУЛЛАМУДОВ,
ЎИХХҚЖФ Наманган шаҳар ижро этувчи аппарати раиси.

БИЛДИРИШЛАР

Наманган шаҳрида яшовчи Муҳидинов Азиз Исмаилович номидати «УАЗ-469» русумли, давлат рақам белгиси 50 Т 823 QA бўлган автомашинанинг техник паспорти йўқолганлиги

БИЛДИРИЛАДИ.

Давлатобод туманидаги 79-сонли умумий ўрта таълим мактаби (собиқ Наманган туманидаги 34-сонли умумий ўрта таълим мактаби) томонидан 1993 йилда Иманов Шухратжон Абдусатторович номига берилган №121181 рақамли шаходатнома (аттестат) йўқолганлиги

БИЛДИРИЛАДИ.

Марҳум Басиджанов Ҳолмирза номидати бўлган Турақўрғон тумани, Қўямзор МФЙ, Наврўз кўчаси, 198-уйига нисбатан мерос иши очилганили маълум қилинади. Меросхўрлардан бир (1) ой мuddат ичида тегишли давлат нотариал идорасига мурожаат этишлари сўралади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими, «Наманган ҳақиқати» газетаси ижодий жамоалари вилоят теле-радиокомпанияси муҳбири Илҳомжон Раҳматовга синглиси

МАСТУРАХОНнинг вафот этганили муносавати билан қўқур ҳамдардлик билдирадилар.

Вилоят телерадиокомпанияси жамоаси компаниянинг телевидение бўйича бош муҳаррири Илҳомжон Раҳматовга синглиси МАСТУРАХОНнинг вафот этганили муносавати билан қўқур ҳамдардлик билдиради.

Наманган генераллари

Рустамжон УММАТОВ

УСМОНОВ АҲМАД Тугилович (04.01.1957) – генерал-майор (2005). А. Усмонов Қўшработда тутилган, Самарканд Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. У 1981–1996 йиллари Жиззах вилояти ички ишлар органларида масъул вазифаларда хизмат қилган. Сўнроқ А. Усмонов Сирдарё вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бош бошқармаси бошлиғи, Ички ишлар вазирлигининг ўринбосари лавозимларида (1996–2004) фаолият кўрсатди. Генераллик юлдузига у Наманган вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи бўлган чоғи (2004–2006) муассар бўлган. У кейинчалик Андижон вилоятига (2006–2013) ва Тошкент вилоятига (2013–2016) ҳоким этиб тайинланди. А. Усмонов Олий Мажлис Сенатининг аъзоси (2006–2016) бўлиб, «Мехнат шухрати» (2006), «Фидокорона хизматлари учун» (2010) орденлари билан тақдирланган.

ШОАМИРОВ ҚОБИЛЖОН Туробович (1936 – 23.01.1986) – 3-даражали Давлат алия маслаҳатчиси (генерал-майор, 1980). Қ. Шоамиров Янгийўлнинг Эски қовунчи маҳалласида (Тошкент вилояти) тутилган, ТошДўнинг юридик факультетида тахсил олган. У меҳнат фаолиятини Тошкент шаҳар прокуратурасида бошлаган ва 1967 йилда Наманганга келиб, Задарё (Мингбулак) туман прокуратурасида терговчи, 1968 йилдан вилоят прокурорининг ёрдамчиси лавозимида хизмат қилди. Қ. Шоамиров икки муддат Наманган вилояти прокурори (1971–1981) бўлиб, ана шу даврда генерал унвонини олганди. Сўнг 1981 йилдан то умрининг охирига қадар Янгийўл шаҳар прокурори вазифасида ишлади.

ЭРТАШЕВ ҚУДРАТ (1932–1984) – генерал-лейтенант. Қ. Эрташев Ўрта Чирчиқ туманида тутилган, Тошкент

(Охири. Бошланиши ўтган сонларда).

халқ ҳўжалиғи институтини тамомлаган. У 1954–1971 йиллари Тошкент вилояти ва шаҳрида, Республика Ички ишлар вазирлигида масъулиятли лавозимларда хизмат қилган, Қашқадарёда икки марта (1971–1976, 1978–1979) вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи бўлган. Қудрат Эрташев 1976–1978 йилларда Наманган вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, сўнгра (1979–1983) Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири лавозимларида ишлаган эди. У ўз жониға қасд қилиб (15.08.1984), оламдан ўтган. 1982 йили Қ. Эрташев қаламига мансуб «Позивные – «02» (русча) тўплами чоп этилган, китобдан милиция ходимларининг жанговар ҳаёти ҳақидаги лавҳалар ўрин олган.

Дарвоқе, айни мавзуда яна икки оғиз гап: биринчи ўзбек генерали деса, Со-бир Раҳимов номи доим тилимизнинг учида турарди. Ваҳоланки, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Иккинчи (Феруз) казак қўшинлари генерал-лейтенанти погонини таққан чоғи С. Раҳимов хали ёруғ дунёга келмаганди. Генерал Жўрабек-чи? У бу юксак унвонға муносиб қўрилганда 1902 йил эди. Яна ўзбеклардан генераллар сулоласи ҳам бор. Бухоро амири Абдулаҳадхон генерал-адъютант бўлса, унинг ўғли Амир Олимхон аввал генерал-майор (1911), 1915 йили генерал-лейтенант бўлди. Кун келдики, 1920 йил август ойида Бухороий шарифда қиёмат бошланди. Асрий обидалар бошига ўн битта аэроплан бомба ёғдирди, Когон тарафдан Фрунзенинг замбараклари тўмбўрланди. Генерал Амир Саид Олимхон Ватанини мажбуран тарк этди. Унинг қирқака яқин фарзанди, жумладан, 16 ўғли бор эди. Улардан учтаси (Султонхон, Шомурод, Раҳимхон) болша-войлар қўлиға тушди. Шомурод Олимов Москвада тарбияланди, Иккинчи жаҳон урушида бир оёғидан айрилди. У узок вақт Москвадаги ҳарбий академияда (то 1960 йилгача) дарс бериб ва унвони генерал-майор эди. Шундай қилиб битта оилада уч генерал: бобо, ўғил ва набира...



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 декабрдаги «Ноғиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлиғига қўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ноғиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш тузилди.

Мазкур кенгашнинг 2021 йил 27 декабрь кунги ўтказилган видеоселектор йиғилишида 2022 йил 10 январидан бошлаб бир ой муддатда мамлакатимизда 16 ёшдан катта ноғиронлиги бўлган шахсларни маҳаллабай хатлов ўтказиш долзарб оилиғи деб эълон қилинди.

Қарор ижросини таъминлаш борасида Наманган шаҳар тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлими томонидан

БУ, ҚИЗИҚ!

Эртага ёмғир ёғармикин?

Бунни аждодларимиз азалдан осмон жисмлари, куёш ва ойнинг ҳолати, атмосферада рўй берадиган турли ҳодисалар, ўсимликлар, ҳайвонлар ва инсондаги баъзи ўзгаришларга қараб билишган. Кўйида об-ҳавонинг ҳолатидан дарак берувчи баъзи аломатлар билан танишасиз:

янги ой тутилиши арафасида об-ҳаво ўзгаради;
ой ўтов тикса – ҳаво айнишини кутинг;
куёш чиқишидан олдинги шамол ва қора булут – ёмғир белгиси;
куёш ботаётганда осмон бегубор бўлса – эртасига ҳаво очик бўлади;

И. ОБИДОВ тайёрлади.

«Қасаллик»

(Ҳажвия)

Одилжон МУҲАММАД.

бунни тушунмайдиган баъзи содда кишилар «жўр» бўлиб қолишади. Мазза қиласан-да, худди «ари инини»га чўп тикиб тўзигтандек...

Зангар қайси кунги оғайнинг телефон қилиб, «Сотимхон, бир гурунглашиб, ошхўрлик қилайлик!», – деб қолди. Қўмаганимга қўймади. Ҳа, ора-сира «ошхўрлик бўлса, ошхўрлик», – дея чойхонага чиқдим. Ош сузилгунга қадар беш-беш қилиб, «зорманда»дан анчагина «ютиб» қўйибмиз. Кечга томон уйга кирибқў ўша ҳолатда ҳам интернетга «ёппиш»дим. Қайфда ишқий мавзуда «пост» қўйгим келди: «Ким менга севги изхор қила олади?!», – деб «пост» қўйдим. «Друзьям»да эса жим-житлик... Одатдагидек шартга «Сумбулаҳон» номидан битта «лайк» босиб, гул тақдим қилдим. Ўзимни «аккаунт»имдан жавоб тариксида «супер»ни босиб, жавобга гул қўйдим. Қарасам, «ари инини» тўзимаяпти. «Қорақийиш»ини «ишга» соддим. Унга битта «бўса» жўнатдим-да, ўзимни «аккаунт»имдан

битта «бўса» билан бир даста гул ҳадя юбордим....

...Ичкилик курсин! Қайфда шу қадар берилиб кетибман-ки, «Қорақийиш» билан нақд ярим соатдан ортиқ дил изхор қилаверибман. Шу орада «ари инини» тўзигандек ҳам бўлди. Кимдир «Ишқий муносабатларининг холироқ жойда давом этгинлар!», – деб ёзса, яна биров: «Газини босинг, ака!», – дея «коммент» ёзади. Бу ҳам майли, орада чинакамита «Атиргул» дегани пайдо бўлиб қолди. У очикчасига мени саволга тутди: «Бе-вамисиз?!». Камина бир эрқалик қилай деб: «Ҳа, аёлим қазо қилганига бир йилдан ўтди», – деб жавоб ёздим. Сукунат... «Оҳ, атиргулим...! Нега тезроқ ёзмайсан?!», – дея юракларим кинидан чиккудек интизорлик билан турганимда худди шу савола яна такрорланди. Фақат интернетда эмас, бу сафар қўлогим остида жаранглади. Рўпарамда хотиним: «Шунақа денг... Тулман денг... Хотинингизни ўлганига бир йилдан ошдими?!», дея даргазаб турарди...

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Маҳаллабай хатлов ўтказилмоқда

Муниса ОТАХЎЖАЕВА,
Наманган шаҳар ТИХР бўлими бошлиғи.

амалий ишларга киришилди. Вилоят тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармаси томонидан белгиланган чора-тадбирларга мувофиқ, шаҳар ҳокимлиги, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, тиббий ижтимоий эксперт комиссияси, соғлиқни сақлаш, халқ таълими бўлимлари, аҳоли бандлиғига қўмаклашиш маркази, паразолимишия қўмитаси, ноғиронлар жамияти ва бўлимимиз вакилларидаан иборат ишчи гуруҳ тузилди.

Айни кунларда ишчи гуруҳ шаҳардаги 58 та маҳаллада уйма-уй юриб ноғиронлиги бўлган шахслар билан ўтказаятган бевосита суҳбатлар асосида уларнинг ижтимоий ҳолати, оила таркиби, оиладаги муаммоларни атрофича ўрганиб, уларнинг ечимни юзасидан тегишли чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, лаёқатидан келиб чиқиб касб-хунар ўрганиш ёки ишлаш истагида

бўлганларни иш билан таъминлаш, саломатлигини тиклаш тақозо этилаётганларни тиббиёт муассасаларида даволаш, реабилитация техник воситалари, протез-ортопедия мосламалари бўйича талаб-эҳтиёжни қондириш, ноғиронлик мақомини олиш, спорт билан шуғулланишга имконият яратиш каби қўллаб йўналишларда олдинда турган вазифалар белгилан олिनмоқда.

Жорий йилнинг 12 январь кунига қадар уйма-уй юриб 624 нафар ноғирон билан суҳбат ўтказилди ва улардан 50 нафари доридармонга, 30 нафари даволалишга, 2 нафари ноғиронлик мақомини олишга, 2 нафари эса моддий ёрдамга муҳтожлиги қайд этилди.

Ноғиронлиги бор юртдошларимизни маҳаллабай хатловдан ўтказиш давом этмоқда.

КИТОБХОНЛИК

Биз севган хона

Абдулазиз МАМАЗОКИРОВ,
Наманган ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқувчиси.

дир. Махсус фанларга оид китоб ва қўланмаларнинг 16219 таси ноёб ҳисобланади. Машхур чет эл композиторларининг асарлари шулар жумласидан. Олтига замонавий компьютер хизмати ва тезкор интернет тармони китобларни электрон шаклда ўқишга замин яратмоқда. Кутубхонамиз мудираси Шаҳодатхон Азимова мен ва тенгдошларимнинг сеvimли опaхонларимиздан биридир.

– Кутубхонамизнинг тарихи санъат мактабимиз тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Мактабимиздан ўзбек миллий санъатининг қанча даргалари, машҳурлари етишиб чиққан бўлса – уларнинг барчаси кутубхонамиздаги илм чашмасидан баҳраманд бўлишган, ҳозир сизлар

ўтирган жойда ўтириб мутулаа қилишган...

Кутубхонани – илмлар уммони, десак арзийди. Китоб излаб қирган ҳар бир ўқувчига имкониятимиз даражасида ёрдам берамиз. Интернет асрида китобга талабдорлар қамайиб кетган, деган фикрларга унчалик қўшилимайман. Унинг ҳам, босма китобнинг ўз ўқувчиси, ихлосманди бор. Инсоният тирик экан – китоблар ҳам яшайверади.

Шаҳодатхон опа айтганларидек, инсоният онгининг илму заковат, тараққиёт манбаи, билимлар хазинаси саналган китобга сунган, унга ишонган кишидан асло ёмонлик чиқмайди. Ахир китобдан яхшироқ дўст топилайди.

ТАЪЛИМ

Санъатсевар болажонлар

Анасбек ҲАМДАМОВ,
«Наманган ҳақиқати»нинг жамоатчи муҳбири.

Янгиқўрғон туманидаги 17-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби ташкил топганига қирк беш йил бўлди. 2011 йилда икки миллилар сўм маблағ ҳисобига қайтадан бунёд этилган бу қошонада айни пайтда 37 педагог 244 нафар санъат ҳавасмандига сабоқ бермоқда.

Мазур даргоҳда ўн битта йўналиш бўйича машғулотлар олиб борилади. Жамоа аъзолари туман ва вилоят миқёсидаги турли тадбирларда фаол қатнашиб, эл эътиборига муносиб бўлишга ҳаракат қилмоқдалар. Айниқса, ўтган ўқув йили мактаб ўқувчилари учун жуда омадли келди. Россия Федерациясининг Краснодар шаҳрида ўтказилган «Серебрянный камертон» деб номланган халқаро кўрик-танловда дамли чоғлулар бўлими ўқувчиси Лузода Эркинова, анъанавий хонандалик бўлими ўқувчиси Илҳомжон Раҳмонов, доира синфидан Исломжон Шамсидинов иштирок этиб, фахрли 2-ўринни эгаллашди.

Май ойида эса Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги «Сияние звёзд» фестивалида дамли ва эстрада чоғлу асбоблари бўлимида тахсил олаётган Руслан Курбидинов 3-, Фарход Исроилов 2-, анъанавий хонандалик синфидан Абдушуккур Маҳмуджонов, доира синфидан Ҳасанбой Йўлдошев 3-ўринни забт этилди.

Шунингдек, уларнинг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган мусиқа ва санъат мактаблари оркестр ансамбли ва ижодий жамоалар ўртасидаги танловда 1-ўринга муносиб топил-

гани, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланганлари унутилмас воқеа бўлди.

– Биз кўрик-тановлардан совринсиз қайтганимизни эсломайман, – дейди директор Улутбек Раҳматуллаев. – Бу муваффақиятларнинг замирида албатта, мутахассис устозларимизнинг машаққатли ва давомли меҳнати ётади. Кези келганда, ўқитувчиларимиздан Нурматжон Мамажонов, Арсем Халилов, Ление Зайтуллаева, Ўткирбек Тожирирзаев, Баҳодир Жўрабоев номларини фахр билан таъкидлашнинг истардим.

17-сонли мусиқа ва санъат мактабимизнинг аксарият собиқ ўқувчилари ўзлари билим олган маскан оёру-эътиборини шарафлаб, профессионал санъат йўлидан бораётганлари жуда қувончлидир. Жумладан, Муроджон Аҳмаджонов, Акмалжон Оқунов, Фозил Шамсидинов ва Арсен Халиловлар Ўзбекистон Давлат консерваториясида, икки битирувчимиз пойтахтдаги Маданият ва санъат институтида, олти нафари НамДўнинг мусиқа факультетида, ўн нафари Наманган ихтисослаштирилган санъат мактабига тахсил олаётганини айтмасам бўлмайди. Яна қўпчилиги маданият ва санъат муассасаларида меҳнат қилишмоқда.

Айни пайтда шу йили ўтказилиши режалаштирилган Мухтор Ашрафий номи республика кўрик-танловиға тайёргарлик ишлари билан машғулмиз, – дейди жамоа раҳбари сўзларини уқунлаб.

Ҳа, ютуқлар янада баланд чўққиларни қўзлашга ўргатади. Мактабда жорий йилда бахшилиқ йўналишини очиб мақсад қилинган. Янги йилда жамоага аввалтидан-да улкан зафарлар ёр бўлсин, деймиз.

ҲАФТАЛИК ОБ-ҲАВО

ШАНБА, 15	ЯҚШАНБА, 16	ДУШАНБА, 17	СЕШАНБА, 18	ЧОРШАНБА, 19	ПАЙШАНБА, 20	ЖУМА, 21
+9 +2	+9 +4	+8 +5	+10 +5	+8 +1	+7 0	+6 –1

Тафаккур

Одатда, гапира туриб чекинишдан чўчийдилар, менимча эса, усталик билан чекинувчилар бамисоли қўли узун одамларга ўхшайди, уларнинг қамрови кенг бўлади.

Наманган ҳақиқати

Муассис:

Наманган вилояти ҳокимлиғи

Бош муҳаррир ўринбосари:

Илҳомжон ЖУМАНАЗАРОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона: (69) 227-89-43.

Котибият: (69) 227-91-25.

Маданият бўлими: (69) 227-95-21.

Давлат қурилиши ва қонунчилик бўлими: (69) 227-91-50.

Ахлоқ бўлими: (69) 227-91-50.

Умумиқтисодий бўлими: (69) 227-96-60.

Қалар ва оммавий ишлар бўлими: (69) 227-93-39.

Эълонлар бўлими: (69) 227-91-19.

Ҳисобхона: (69) 227-98-31.

Вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 22 декабрда 08-0001 рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Таҳририят манзили: 160108. Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй.

Индекс: 5000.

Навбатчи муҳаррир: Носиржон Деҳқонов.

Навбатчи: Шоҳида Даминова.

Мусахҳиш: Насимжон Юнусов.

Саҳифаловчи-дизайнер: Абдуқаҳҳор Юлибоев.

Таҳририятта 14 шрифт, 1,5 интервалда 5 қозғодан ортик (шунингдек қўлёзмалар ҳам) мақолалар қабул қилинмайди.

Топширилган материаллар эгасига қайтарилмайди.

«Poligraf press» МЧЖда офсет усулида чоп этилди.

15 661 нусха.

Қозғоз бичими – А-2.

Ҳажми – 2 босма табоқ.

Қорхона манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 (6)-уй.

Буюртма: 23.

Босишга топшириш вақти: 17.00

Топширилди: 18.30

Сотувдаги баҳоиси: 3000 сўм

www.namhaqiqat.uz

@NamanganHaqiqati_Rasmiy

nm-haqiqat@gmail.uz

ISSN: 2091-5853

– белгиси билан тижорий мақолалар берилади.